

**“Uzbekistan Airways” акциядорлик жамияти  
ягона акциядорининг 5-сонли  
ҚАРОРИ**

2019 йил «29» июн

Тошкент шаҳри

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиши тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

**1. “Uzbekistan Airways” акциядорлик жамиятининг қўшимча акцияларини чиқариш.**

**2. “Uzbekistan Airways” акциядорлик жамиятининг акцияларини қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш.**

**Кун тартибидағи биринчи масала юзасидан:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5584-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан 2019 йил 26 июлда 5к-ПО-сонли “Uzbekistan Airways” акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисидаги буйруғи қабул қилинди.

“Uzbekistan Airways” АЖнинг устави Миробод тумани Давлат хизматлари марказида 2019 йил 7 августда 750207-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

“Uzbekistan Airways” АЖнинг бошланғич устав капитали 3 499 050 522 500,0 сўм миқдорида тасдиқланган ва номинал қиймати 100 сўм бўлган 34 990 505 225 дона акциялари давлат улуши сифатида жойлаштирилган.

“Uzbekistan Airways” АЖнинг бошланғич устав капитали “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК дирекцияси (6 862 652 606,7 сўм), “Учувчилар мажмуаси” (3 490 169 062 323,7 сўм), “Ҳаво алоқалари бош агентлиги” (1 577 991 282,0 сўм), ва “Узавиатехтаъминот” моддий-техник таъминот базаси (440 816 298,0 сўм) давлат унитар корхоналарининг жами 3 499 050 522 510,40 сўмлик мол-мулклари баланс (қолдиқ) қийматида бериш ҳисобига шакллантирилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги ПФ-5584-сон Фармони талабларидан келиб чиқиб, “Кетринг” МЧЖ устав капиталидаги (100 фоиз) 53 820 952 460,16 сўм, “Ўкув машғулот маркази” МЧЖ устав капиталидаги (100 фоиз) 113 965 146 533,95 сўм, “Uzbekistan Airways Technics” МЧЖ устав капиталидаги 265 796 244 481,94 (100 фоиз) сўм ва “Uzbekistan Helicopters” МЧЖ устав капиталидаги 316 182 673 623,22 (100 фоиз) сўм, жами 749 765 017 099,27 сўмлик давлат улушиларини “Uzbekistan Airways” АЖ устав капиталига давлат улуши сифатида бериш лозим.

Бундан ташқари, жамият ягона акциядорининг 2019 йил 26 августдаги қарорига асосан жамият устав капиталига бериладиган мол-мулклар ва жамият устав капитали ўртасидаги 10 (үн) сўм 40 (қирқ) тийин фарқ жамиятнинг кейинги акциялар чиқарилувида давлат улушини шакллантиришда ҳисобга олинини белгилаб қўйилган.

Шунга кўра, “Uzbekistan Airways” АЖ устав капиталини 749 765 017 109,67 сўмга ошириш лозим бўлади.

## ***Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:***

“Uzbekistan Airways” АЖнинг акцияларининг қўшимча чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун жамиятнинг акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарорини амалдаги қонунчиликка асосан тасдиқлаш лозим.

Жамиятнинг қўшимча акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарори Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилашларини давлат рўйхатидан ўтказиш Қоидалари (рўйхат рақами 2000, 30.08.2009й.) талабларидан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан **ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

### ***1-масала юзасидан:***

1.1. “Uzbekistan Airways” АЖ томонидан умумий қиймати 749 765 017 100,0 (етти юз қирқ тўққиз миллиард етти юз олтмиш беш миллион ўн етти минг бир юз) сўм бўлган номинал қиймати 100 сўмлик 7 497 650 171 дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларнинг қўшимча чиқарилиши амалга оширилсин.

1.2. Қўшимча акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари куйидагича белгилансин:

акциялар ёпиқ обуна йўли билан Давлат активларини бошқариш агентлигига жойлаштирилади;

акциялар жамият давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йил ичida жойлаштирилади;

ушбу чиқарилишдаги акциялар “Uzbekistan Airways” АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ўртасида биржадан ташқари уюшмаган бозорларда тўғридан-тўғри битим тузиш ва Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсида рўйхатдан ўтказиш йўли билан жойлаштирилади;

ушбу акцияларнинг чиқарилиши номинал қийматда, яъни 100 сўмдан жойлаштирилади;

акциялар учун тўлов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги ПФ-5584-сон Фармонига асосан “Кетринг” МЧЖ устав капиталидаги (100 фоиз) 53 820 952 460,16 сўм, “Ўқув машгулот маркази” МЧЖ устав капиталидаги (100 фоиз) 113 965 146 533,95 сўм, “Uzbekistan Airways Technics” МЧЖ устав капиталидаги 265 796 244 481,94 (100 фоиз) сўм ва “Uzbekistan Helicopters” МЧЖ устав капиталидаги 316 182 673 623,22 (100 фоиз) сўм, жами 749 765 017 099,27 сўмлик давлат улушларини номинал қийматида бериш, шу билан бирга жамият ягона акциядорининг 2019 йил 26 августдаги қарорига асосан жамият устав капиталига берилаётган мол-мулклар ва жамият устав капитали ўртасидаги 10 (ўн) сўм 40 (қирқ) тийинлик фарқни қўшиш натижасида ҳосил бўлган 749 765 017 109,67 сўм хисобига амалга оширилади;

жамият устав капиталига берилиши белгиланган 749 765 017 109,67 сўм маблағлар ва берилаётган маблағларни жамият акциялари номинал қийматига яхлитлаш натижасида ҳосил бўлган 9 (тўққиз) сўм 67 (олтмиш етти) тийин фарқ жамиятнинг кейинги акциялар чиқарилувида давлат улушкини шакллантиришда хисобга олинади;

акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, шу кундан эътиборан ўн кунлик муддатда акциялар учун тўлов сифатида берилган воситалар белгиланган тартибда қайтарилади.

**2-масала юзасидан:**

2.1. “Uzbekistan Airways” АЖнинг акциялар қўшимча чиқарилуви тўғрисидаги қарори иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2.2. “Uzbekistan Airways” АЖ бошқарув раиси вазифасини бажарувчиси Б.Хакимовга жамиятининг қўшимча акциялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

Давлат активларини бошқаруви  
агентлиги директори ўринбосари



*M.S. Nabi*

Т. Набиев

**“Uzbekistan Airways” АЖ устав капиталига бериладиган улушлар түғрисидаги  
МАЪЛУМОТ**

№	Қайта ташкил этилган давлат унитар корхоналари	МЧЖга айлантириш түғрисидаги буйруқ раками ва санаси	Давлат рўйхатидан ўтказилган сана	“Uzbekistan Airways” АЖга бериш түғрисидаги буйруқ раками ва санаси	“Uzbekistan Airways” АЖ устав капиталига бериладиган миқдор, сўмда
1	“Кетринг” ДУК (“Ketring” MЧЖ)	75к-ПО, 19.09.19й.	30.09.2019 й.	87к-ПО, 02.10.19й.	53 820 952 460,16
2	“Ўкув-машқ маркази” ДУК (“Ўқув-машғулот маркази” MЧЖ)	76к-ПО, 19.09.19й.	30.09.2019й.	85к-ПО, 30.09.19й.	113 965 146 533,95
3	“Uzbekistan Airways Technics” авиакорхонаси ДУК (“Uzbekistan Airways Technics” MЧЖ)	92к-ПО, 04.10.19й.	07.10.2019й.	93к-ПО, 07.10.19й.	265 796 244 481,94
4	“Maxsus авиация ишлари” - авиакомпанияси ДУК (“Uzbekistan Helicopters” MЧЖ) <b>Жами:</b>	101к-ПО, 25.10.19й. 115к-ПО, 15.11.19й.	31.10.2019й.	116к-ПО, 15.11.19й.	316 182 673 623,22
					<b>749 765 017 099,27</b>

“Uzbekistan Airways” АЖ бошқарув раиси биринчи ўринбосари

A.Сафиуллин

“Uzbekistan Airways” АЖ молия директори

A. Саттаров